Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

1928 йил 11 декабрда асос солинган

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси

2016 йил
22 июнь
ЧОРШАНБА
№ 50 (12894)

www.th.uz

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ РАИСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг таклифига биноан Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин 21 июнь куни давлат ташрифи билан мамлакатимизга келди.

Икки мамлакат давлат байроқлари билан безатилган Тошкент халқаро аэропортида олий мартабали меҳмонни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов кутиб олди.

Қисқа мулоқотдан сўнг Хитой делегацияси Кўксарой мажмуида ўзи учун ажратилган қароргоҳга йўл олди.

Хитой Халқ Республикаси Раиси давлат ташрифининг асосий тадбирлари 22 июнь куни бўлиб ўтади.

* * *

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикасига давлат ташрифини Бухоро шаҳрини зиёрат қилишдан бошлади.

Бухоро Ўзбекистоннинг жаҳон цивилизацияси тараққиётига улкан ҳисса қўшган қадимий ва муқаддас шаҳарларидан. Бухорои шариф буюк алломалари, бетакрор тарихий обидалари билан халқимизни, мамлакатимизни бутун дунёга танитган. Дунё аҳли, жумладан, хитойликлар Тошкент, Самарқанд, Хива, Шаҳрисабз каби қадимий шаҳарларимиз қатори Бухоронинг ҳам жаҳонга машҳур меъморий ёдгорликлари билан танишишга ошиқади.

Ўзбекистон билан Хитой ўртасида маданият, санъат, фан ва таълим йўналишларида яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Тошкент ва Самарқандда Конфуций институтининг ташкил этилгани, Хитой миллатлар марказий университетида ўзбек тили бўлими фаолият юритаётгани, Пекин хорижий тиллар университетида ўзбек тилини ўқитиш йўлга қўйилгани бу борадаги ҳамкорлик изчил ривожланаётганидан ҳамда Ўзбекистонда хитой тили ва адабиётига, Хитойда ўзбек тили, маданияти, урф-одатларига қизиқиш тобора ортиб бораётганидан далолатдир.

Икки мамлакатнинг маданият ва санъат намояндалари Ўзбекистон ва Хитойда ўтказилаётган турли кўргазма ва маданий тадбирларда фаол иштирок этмоқда.

Давоми 2-бетда.

Бунёдкорлик

Инсон дунёга бахтли яшаш учун келади. Умримизнинг маъно-мазмуни эса, аввало, гўзаллик ва ободликдан бошланади. Зеро, бугун халқимизнинг бунёдкорлик салоҳияти, азму шижоати ҳаётимизга фаровонлик, турмушимизга янгича мазмун ва моҳият бахш этмоқда.

ОБОД МАНЗИЛЛАР – ФАРОВОНЛИК МЕЗОНИ

Халқимиз энг улуғ, энг азиз айём бўлмиш мамлакатимиз мустақиллик байрамини ҳамиша катта хурсандчилик, муносиб тадорик ва туҳфалар билан қарши олади. Шу кунларда юртимизнинг барча нуқталарида худди шу эзгу анъана шукуҳи ҳукмрон. Буни нафақат шаҳар ва туман марказлари, балки олисяқин қишлоқларимизнинг тобора обод ва кўркам бўлиб бораётганида ҳам кўриш мумкин. Аҳолимизнинг асосий қисми яшайдиган қишлоқ жойларда муносиб турмуш шароитини яратиш, ижтимоий инфратузилма тармоқларини барпо этиш бўйича махсус давлат дастурлари жорий қилинаётгани, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида шаҳар шароитидан кам бўлмаган замонавий уй-жой массивлари комплекс барпо этилаётгани халқимиз ҳаётини янада фаровон қилишга қаратилган ишларнинг амалий ифодасидир.

Куни кеча Оҳангарон туманида фойдаланишга топширилган "Сусам" маданият ва аҳоли дам олиш маркази ҳам шу йўналишдаги ишларнинг яна бир намунаси, дейиш мумкин. Республика Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 25 июндаги "2013-2018 йилларда замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида қайта таъмирланиб, янги ва кўркам қиёфа касб этган муассаса қишлоқ аҳли ва меҳмонларига чинакам байрам туҳфаси бўлди.

Давоми 2-бетда.

Галла – 2016

МЕҲНАТ, РАҒБАТ, ДАРОМАД

Кексаларимиз дуога қўл очганда, аввалambор, юртимиз тинч, ризқу насибамиз бутун бўлсин, деб дуо қиладилар. Бировни алқаганда эса, уйингга буғдой тўлсин, деб қўйишади. Негаки, дон – тўқлик, фаровонлик белгиси. Бугун ғаллакорларимиз кўтараётган залворли хирмонлар худди ана шу дуоларнинг ижобати, десак асло янглишмаймиз.

Истиқлол йиллари мамлакатимизда Юртбошимиз раҳнамолигида ғалла мустақиллигига эришиш йўлида залворли қадамлар ташланди. Бу ислоҳотларнинг ҳаётий самараси ўлароқ, мамлакатимиз ғаллага бўлган ички эҳтиёжларини тўла қондириб, унинг бир қисмини ҳатто четга экспорт қилишдек салоҳиятга эга бўлди. Хусусун, жорий йилда ҳам, юртимиз миришкорларининг фидокорона ва олижаноб меҳнатлари эвазига ғалладан мўл ва баракали ҳосил етиштирилди. Кўпни кўрган уста деҳқону соҳибкорлар далалардаги ҳосил чўғига қараб, насиб бўлса бу йил ҳам мамлакатимиз ғаллачилигида яна бир ёрқин саҳифа очилади, дейишмоқда.

Давоми 2-бетда.



СУРАТДА: *(чапдан ўнгга) 98-отряд бошлиғи Ҳамидулла Тўрахўжаев, комбайнчи Собиржон Эгамбердиев ва хўжалик раҳбари Қосимбой Ботиров. Даврон АҲМАД олган сурат.*

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

ОИЛАНИНГ БАХТИ – САЛОМАТЛИКДА

Патронаж ҳамшираси Наргиза Алиматова Аҳиллик кўчасида навбатдаги хонадон эшигини қоқди. Остонада 96 ёшли Марҳамат ая Ҳамдамова кўринди. Наргиза онахон билан сўрашаркан, зимдан разм солди. Тунов куни келганида қон босими бир оз баланд эди, бугун рангрўйлари яхши. Аянинг қон босимини ўлчар экан, тахмини тўғри чиқди. Аяга саломатликлари яхши эканини айтиб, бардам бўлишлари учун қандай маҳсулотлар истеъмол қилишлари кераклигини яна бир бор эслатди. Кейин эътиборни онахоннинг эварасига қаратди. Кичкинтойнинг саломатлигини текширгач, онасига фарзандини навбатдаги текширувга вақтида олиб боришни тайинлади. Хонадоннинг тозалигини ҳам назардан қочирмай, саломатликни асраш бўйича турли тавсиялар бериб, қўшни уйга йўл олди.

Зангиота туманидаги "Зангиота" ҚВП патронаж ҳамшираси Н. Алиматова қишлоқдаги "Хўжамозор" ва "Ўрта" маҳаллаларининг 5 та кўчасидаги 159 та хонадонга хизмат қилади. Аҳолининг 112 нафари 60 ёшдан ошган фуқаролар, 262 нафари туғиш ёшидаги аёллар. Бир ёшгача бўлган чақалоқлар эса 24 нафар. Яна 21 аёл фарзанд кутаяпти. Наргиза ҳар бирининг саломатлигидан боҳабар. Ҳол-аҳвол сўраш баҳонасида хонадоннинг орасталиги, томорқаси қандай аҳволда эканига ҳам эътибор қаратади. Юқумли касалликлар ва уларнинг олдини олиш ҳақида суҳбатлашади.

Давоми 2-бетда.

Шукуҳ

Мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари самараси ўлароқ, шаҳар ва қишлоқларимиз қиёфаси тубдан ўзгариб, халқимиз турмуш фаровонлиги юксалиб бормоқда. Жумладан, Оққўрғон тумани маҳаллаларидаги ободлик, саранжом-саришталикни кўриб, кўнглингиз яйрайди.

ЭРТАСИДАН КЎНГЛИ ТЎҚ ОДАМЛАР

– Ҳудудимизда 41 та маҳалла фуқаролар йиғини фаолият кўрсатмоқда, – дейди "Маҳалла" хайрия жамоат фонди туман бўлими бошқаруви раиси Ботир Холиқулов. – Ҳар куни маҳаллаларимизда рўй бераётган бирор янгилик ёки ташаббуснинг гувоҳи бўласиз. Туман ҳокимлиги, ташкилот, муассаса ва корхоналар кўмагида амалга оширилаётган кенг кўламли дастурий чора-тадбирлардан кўзланган асосий мақсад аҳоли, айниқса, хотин-қизларимиз учун зарур ижтимоий шароитлар яратиш, қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар асосида замонавий уй-жойлар, ижтимоий инфратузилма объектларини барпо этиш, қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш, хизматлар кўрсатиш ва сервис соҳаларини юксалтиришдир.

Фонд қошидаги тадбиркорлик фаолияти ва оилавий бизнесни ривожлантириш масалалари бўйича комиссия ҳамда "Маслаҳат маркази" ташаббускорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватламоқда. Шу йилнинг ўтган даврида маҳалла йиғинлари фаоллари кўмагида туманда 71 та оилавий корхона ва 277 та кичик бизнес субъектлари ташкил этилди. Бу кўплаб аҳоли, айниқса, ёшлар бандлигини таъминлаш имконини берди. Маҳаллаларда тадбиркорликни ривожлантириш ҳисобидан 235 дан ортиқ янги иш ўрни яратилди. Тумандаги касб-ҳунар коллежларини тамомлаётган 1330 нафар ёшлар ҳам шартнома асосида ўз ҳудудларидаги тадбиркорлик субъектларига ишга жойлашмоқда.

Туман маҳаллаларида ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш ва бунёдкорлик билан бирга маънавий-маърифий, соғломлаштириш ва спорт соҳаларидаги ишлар ҳам изчил давом этмоқда. Айниқса, бундай хайрли тадбирлар Соғлом она ва бола йилида янада кенг кўлоч ёймоқда. Хусусан, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди кўмагида ҳозиргача 24 та маҳалла фуқаролар йиғинларидаги оналар ва болалар чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди. Ёшлар орасида жисмоний тарбия ва спортни кенг оммалаштириш, айниқса, қишлоқ жойларда қизларни спорт билан мунтазам шуғулланишга жалб этиш, оилаларда соғлом турмуш тарзини шакллантиришга қаратилган 50 дан ортиқ давра суҳбатлари ва маънавий-маърифий тадбирлар ўтказилди. Маҳалла фаолларининг ҳамжиҳатлиги, фуқароларнинг бирдамлиги боис кейинги йилларда оилавий ажрим, эрта турмуш ва яқин қариндошлар ўртасидаги никоҳлар барҳам топмоқда.

Президентимизнинг 2016 йил 2 июндаги "Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида"ги Қарори асосида халқимизнинг энг улуғ, энг азиз айёмига тараддуд қизғин паллага кирди. Шу муносабат билан белгиланган тадбирларнинг кўлами ҳам кенг. Маҳалладошлар тили билан айтганда, бундай эзгу амаллар, улуғвор ишлар тинч-осойишта юртдагина амалга ошади. Эртанги кунига ишончи мустаҳкам халқ буюк ишларга қодир бўлади. Шукрки, юртимизда шундай муҳит, шароит ва имкониятлар яратилган. Бу энг катта бойлигимиз. Уни қадрлаш, асраб-авайлаш эса бурчимиз.

Юлдузхон МУҲИДДИНОВА,
"Тошкент ҳақиқати" мухбири.

«ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ» ТАДБИРКОРЛАР ХИЗМАТИДА

Сўнгги йилларда мамлакатимизда миллий ахборот тизимини такомиллаштириш, давлат ва жамият ҳаётининг барча жабҳаларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш кўламини кенгайтириш ва "электрон ҳукумат"ни шакллантириш борасида тизимли ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, ўтган даврда ахборот-коммуникация технологиялари ёрдамида аҳоли манфаатларига хизмат қилувчи, давлат органлари билан қулай ва самарали муносабат ўрнатувчи "электрон ҳукумат" тизими изчил татбиқ этилди.

Қонун кучга кирди

Тадбиркорларга кенг қулайликлар яратиш мақсадида давлат органларига тақдим этиладиган ҳисоботларни электрон шаклга ўтказиш натижасида солиқ ҳамда статистика ҳисоботлари тўлиқ электрон тарзда топширилмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, солиқ ҳисоботларининг электрон шаклда топширилиши туфайли солиқ тўловчилар йилига ўртача 197 тонна қоғоз ва 9 миллиард сўм маблағни тежашга эришмоқдалар.

Божхона юк декларацияларини расмийлаштириш ҳам тўлиқ электрон шаклга ўтказилиб, шу йилнинг биринчи чорагида тадбиркорларнинг 72 мингдан зиёд ташқи иқтисодий шартномалари рўйхатдан ўтказилди. Шу ўринда давлат органларининг ўзаро электрон муносабатини таъминловчи идоралараро электрон ҳамкорлик тизими жорий қилинганини ҳам алоҳида таъкидлаш жоиз.

Давоми 3-бетда.



МАСЪУЛИЯТ САБОҚЛАРИ

Оҳангарон туманида ёшлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, турли ёт ғоялар таъсиридан ҳимоя қилиш мақсадида "Глобаллашув: миллий мафкуравий хавфсизлик" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Огоҳлик

Йиғилишда сўзга чиққанлар тинчлик-осойишталикни асрашга барча қатори ёшлар ҳам масъул эканлигини таъкидлашди. Шунингдек, эртамиз давомчиларини диний экстремизм, терроризм, наркотрафик ва одам савдоси каби иллатлардан муҳофаза қилиш, бунинг учун ҳамиша ҳушёр ва сергак бўлиш, яратилган имкониятлардан оқилона фойдаланиб, пухта билим олиш, бўш вақтларини керакли машғулотларга сарфлаш лозимлиги таъкидланди.

Эркин мулоқот ва фикр алмашинув тарзида кечган давра суҳбатида ёшлар ўзларини қизиқтирган кўплаб саволларга жавоб олдилар.

Ўз мухбиримиз.

❑ Қулайлик

Янгийўл тумани ҳокимлиги қошидаги "Ягона дарча" марказида аҳолига тезкор ва самарали хизматлар кўрсатилмоқда.

«ЯГОНА ДАРЧА» ТАКЛИФ ЭТАДИ

– Замонавий компьютер, алоқа ва зарур техника воситалари билан жиҳозланган марказимизда тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш учун барча шароитлар яратилган, – дейди марказ директори Адҳам Раҳимқулов. – Энг муҳими, тадбиркорлар марказ орқали барча давлат идоралари ва хизмат кўрсатувчи ташкилотлар билан тўғридан-тўғри алоқа қилишлари, зарур ахборотга эга бўлишлари ва масалалар ечимига эришишлари мумкин.

Айни пайтда мурожаат қилувчилар марказда ер участкаларига оид ҳуқуқларни давлат рўйхатидан ўтказиш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш мақсадида муҳандислик-коммуникация тармоқларига уланиш, объектни қайта ихтисослаштириш ва реконструкция қилишга рухсат бериш сингари 16 турдаги хизматлардан фойдаланиш имкониятига эга лар. Ҳозиргача 76 тадбиркорнинг "Ягона дарча" орқали мурожаатлари белгиланган муддатларда қониқтирилди.

Юлдуз ФАЗЛИДДИНОВА.

ХИТОЙ ХАЛҚ РЕСПУБЛИКАСИ РАИСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ДАВЛАТ ТАШРИФИ БОШЛАНДИ

Ўзбекистон билан Хитойнинг туризм соҳасидаги ҳамкорлиги ҳам изчил ривожланиб бормоқда. Мамлакатимизнинг сайёҳлик салоҳияти Хитой халқаро туризм ярмаркаларида мунтазам намойиш этиб келинмоқда.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Шавкат Мирзиёев ҳамроҳлигида Арк қалъасини бориб кўрди. Мазкур қалъа аждодларимизнинг буюк даҳоси, мамлакатимиз илм-фанининг чуқур илдизларидан далолат беради. Олий мартабали меҳмонга ушбу обиданинг тарихи, юртимизда қадимий шаҳарсозлик, илм-фан ва ҳунармандлик ривожи ҳақида маълумот берилди. Си Цзиньпин бу муҳташам обида ўзбек халқининг бунёдкорлик салоҳияти, илм-фан ва маданият ривожига эътиборининг ёрқин намунаси эканини таъкидлади.

Бошланиши 1-бетда.

Олий мартабали меҳмон Сомонийлар мақбарасини зиёрат қилди. Бу ёдгорлик ўз меъморий ечимига кўра бетакрор обидадир. Нафис меъморлик санъатининг юксак намунаси бўлган бу иншоот ўта аниқ симметрик ўлчамлар, ғоят мураккаб геометрик ҳисоб-китоблар асосида бунёд этилган. ХХР Раиси ушбу иншоот билан танишар экан, ана шундай мўъжизакор мақбарани барпо этган аждодларимиз даҳосига юксак баҳо берди.

Хитой раҳбари Пойи Калон мажмуида бўлди. Истиқлол йилларида Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида миллий маданий ва маънавий қадриятларимизни, тарихий обидаларни тиклаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан 1997 йилда Бухоро шаҳрининг 2500 йиллиги муносабати билан мазкур мажмуа тубдан таъмирланди. Масжиди Калон, Минораи Калон ва Мир Араб мадрасасидан иборат бу меъморий ансамбль олий мартабали меҳмонда катта таассурот қолдирди.

Си Цзиньпин Бухоро ипак гиламлари кўргазмалар залида қўли гул ҳунармандларимиз тўқиган ноёб буюмларни кўздан кечирди.

Олий мартабали меҳмон қадимий ва навқирон Бухоро шаҳрини кўриш бахтига муяссар бўлганидан мамнунлигини билдирди. Бухоронинг тарихий обидалари ўзбек халқининг бой маданий мероси, мумтоз меъморлик санъатининг юксак намунаси эканини эътироф этиб, истиқлол йилларида амалга оширилган бетимсол бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишларига юқори баҳо берди.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпиннинг мамлакатимизга давлат ташрифи давом этмоқда.

Нодира МАНЗУРОВА, ЎзА махсус мухбири.

❑ Туҳфа

Оҳангарон тумани марказидаги маданият ва истироҳат боғида янги китоб дўкони иш бошлади. Унинг очилишида боғ маъмуриятига "GRAND MAX LEADEN" МЧЖ ҳамкорлик қилди.

МАЪРИФАТ МАСКАНИ

– Ёшларнинг маънан етук бўлиб улғайишларида китобнинг ўрни беқиёс. Шу сабабдан ёшлар орасида китобхонликни тарғиб қилиш мақсадида китоб савдосини йўлга қўйдик, – дейди жамият раҳбари Мақсуджон Мўминов.

Туман маркази аҳолиси орзу қилган ушбу билимлар хазинаси, маънавият ва маърифат тарқатувчи китоб дўконининг очилиш маросими ҳақиқий шодиёнага айланиб кетди.

Райҳон САЛАЕВА.

❑ Бунёдкорлик





ОБОД МАНЗИЛЛАР – ФАРОВОНЛИК МЕЗОНИ

Бу ердаги қурилиш-таъмирлаш ва ободонлаштириш ишларини "Бунёдкор Кушон қурилиш" ташкилоти бунёдкорлари қисқа фурсатда, сифатли адо этдилар. 350 ўринли концерт ва томошалар зали, бир қатор маданият ва спорт тўгаракларини аҳоли ва ёшларга намунали хизмат кўрсатиш учун барча зарур шароитларга эга бўлди.

Бошланиши 1-бетда.

– Кўркам боғ-роғлар, сўлим ва тароватли хиёбонлар, маданият ва санъат кошоналари ҳар бир халқнинг яшаш тарзи, маънавий олами ва албатта, ҳаёт фаровонлигини рўйи-рост акс эттириб турадиган мезон ҳисобланади, – дейди вилоят Маданият ва спорт ишлари бошқармаси бошлиғи Хуршид Тошпўлатов. – Эътиборлиси, мустақиллик йилларида аҳолининг маданий ҳордиқ олишига муносиб шароит яратиш, хусусан, жойларда янги, замонавий боғ ва хиёбонлар, маданият саройлари ва истироҳат масканлари барпо этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Бу борадаги саъй-ҳаракатлар бугун вилоятимизда ҳам катта кўлам ва мазмун касб этмоқда.

Халқимизда "Яхши дам – меҳнатга ҳамдам", деган гап бор. Чиндан ҳам, байрам ва дам олиш кунларида, иш ва меҳнатдан бўшаганда, оила ва яқинлар билан истироҳат боғлари, санъат саройларига бориб, маданий ҳордиқ олишнинг гашти бошқача. Ишонамизки, бугун нафақат шаҳарларимиз, балки қишлоқ жойларда фойдаланишга топширилган ва барпо этилаётган бири-биридан кўркам ва замонавий маданият масканлари замондошларимизнинг ана шу эҳтиёжларини тўла қондиришга хизмат қилади.

Алишер РАҲМАТОВ.

Қобилжон ҒОФУРОВ олган суратлар.

2016 йил – Соғлом она ва бола йили

ОИЛАНИНГ БАХТИ – САЛОМАТЛИКДА

Аслида ҳар куни 6 та хонадонни айланиши керак. Аммо, Наргизага бу кам. Айниқса, болаларни турли юқумли касалликларга қарши эмлаш пайти, янги туғилган чақалоқлар, беморлар, ҳомиладорлар, қариялар ҳолидан тез-тез хабар олиш керак бўлиб қолганида хонадонларнинг ярмини айланиб чиқишига тўғри келади.

Қишлоқ врачлик пунктида хизмат қилаётган 33 ҳамширанинг 13 нафари патронаж. Улар ҳар куни бўладиган йиғилишда кимга қандай ёрдам кераклиги аниқлангач, ҳудудларга бириктирилган умумий амалиёт шифокорларининг беморлари ҳолидан хабар олиш учун хонадонларга йўл олишади.

– Она соғломлаштирилса бас, бола ҳам соғлом бўлади дейиш хатоликдир, – дейди ҚВП мудираси Камола Қаюмова. – Тўғри парвариш қилинмаса, соғлом туғилган чақалоқ ҳам саломатлигини йўқотиши аниқ. Шуни ҳисобга олиб, муассасамиз қошида "Оналар мактаби" ташкил этганмиз. Шифокорларимиз ҳафтанинг ҳар сешанба ва жума кунлари оналар билан ҳомиладорликда физиологик, патологик ўзгаришлар, тўғри овқатланиш, гигиенага амал қилиш, туғруққа тайёрлаш, гўдакни қандай парваришлаш каби қатор мавзуларда суҳбатлашишади. Кейинги навбат мактаб ва мактабгача таълим муассасаларига. 5 та мактаб ўқувчилари тўлиқ тиббий кўрикдан ўтказилди. Айрим ўқувчиларда аниқланган касалликларни даволаяпмиз. Туман кўп тармоқли марказий поликлиникасининг ЛОР, жарроҳ, невропатолог, окулист, стоматолог каби шифокорлари иштирокида 5 мингдан зиёд фуқаро чуқурлаштирилган тиббий кўрикдан ўтказилди.

Бошланиши 1-бетда.

– Давлатимизнинг бизларга кўрсатаётган ғамхўрлигидан беҳад мамнунмиз, – дейди бўлажак она К. Исамуҳамедова. – Врачлик пунктимиз замонавий тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланганини ташхисларнинг аниқ бўлишини таъминлаяпти. Шифокорлар эътиборли, ширинсўз. Ҳар ойда текширувга кирганимизда керакли тавсиялар беришади. Уларнинг айтганларига амал қилганимиз учун ҳам саломатлигимиз жойида. Фарзандимни бағримга босадиган кунни хотиржамлик билан кутаяпман.

Бу бугунги кунда ҳисобда турган 250 ҳомиладор аёлнинг ҳам дил сўзлари, десак янглишмаймиз. Ҳар ойда 30-35 ҳомиладор аёл фарзандини эсон-омон бағрига босаётгани туғруққа руҳий ва жисмоний жиҳатдан пухта тайёргарлик кўрилганидан, албатта.

Саломатлик сектори бўйича ҳафтанинг 6 кунига бўлинган барча тадбирлар бир мақсад – инсон саломатлигига хизмат қилади. Саломатлик эса, аввало, соғлом она ва болада шаклланади.

Нозима РАСУЛОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

МЕҲНАТ, РАҒБАТ, ДАРОМАД

Қувонарлиси, вилоятимиз ғаллакорлари элюрт хирмонининг юксалишига муносиб ҳисса қўшаётирлар. Ғаллакорларимизнинг айни саратон тиғидаги ғайрат ва шижоатига ҳар қанча таҳсин айтса арзийди.

Бу йил қибрайлик ғаллакорлар ҳам ҳиммат камарини маҳкам боғлашган. Улар эл-юрт хирмонига 8 минг 315 тонна дон етказиб беришга азму қарор қилишган. Шунга монанд равишда 3 минг гектардан зиёд ерда "Таня", "Краснодар", "Саидазиз Элита", "Ёнбош", "Замин" каби маҳаллий иқлимга мос, серҳосил ғалла навларини парваришлашди. Айни пайтда, 209 фермер хўжалиги далаларидаги ўрим-йиғим мавсуми авж паллада давом этаяпти.

Мавсумда аввалдан синалган отряд усулининг қўлланиши ўримни рисоладагидек ташкил этиш, ортиқча нобудгарчиликларнинг олдини олиш имконини бераяпти. Натижада, деҳқоннинг меҳнати эвазига етиштирилган ҳар бир бошоқ ҳосилга ҳосил қўшиб, 60-70 центнерчи фермерлар сафи кўпаймоқда. Куни кеча 60 центнерчилар яна биттага кўпайиб, рўйхатда "Қибрай Қосимбой" фермер хўжалиги номи ҳам қайд этилди.

– Бу йилги баҳор мавсуми ғаллакорлар учун бир оз ноқулай бўлди, – дейди хўжалик раҳбари Қосимбой Ботиров. – Боиси, тинимсиз ёққан ёмғир ғаллага занг ва бошқа касалликлар билан хавф солди. Аммо, кўп йиллик тажрибамиз асосида, яна мутасаддиларнинг тавсияси билан бунга олдиндан тайёргарлик кўрганимиз ўз самарасини берди, юзимиз ёруғ бўлди.

Авазбек ХУДОЙҚУЛОВ, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Бошланиши 1-бетда.

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» ва «ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА» газеталарига
2016 йил учун ОБУНА давом этмоқда!

ҲАМКАСБИМИЗ ТАНЛОВ ҒОЛИБИ

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси ташаббуси билан Миллий матбуот марказида "Жамоатчилик назоратини таъминлашда ОАВнинг ўрни ва роли" мавзуида давра суҳбати ўтказилди.

❑ Эътироф

27 июнь – Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни олдидан ташкил этилган тадбирда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, партия сиёсий кенгаши аъзолари, журналистлар ва бошқа жамоат ташкилоти вакиллари иштирок этди.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари устидан жамоатчилик назоратини таъминлашда ОАВнинг ролини кучайтириш мақсадида уюштирилган давра суҳбатида оммавий ахборот воситалари жамият тараққиёти кўзгуси экани, кишилар онги, дунёқараши, сиёсий савиясининг шаклланишидаги ўрни алоҳида таъкидланди.

Тадбирда, шунингдек, "Адолат" социал-демократик партиясининг 20 йиллиги муносабати билан ўтказилган "Куч – адолатда!" республика кўрик-танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди. Қувонарлиси, "Тошкент ҳақиқати" газетаси ҳам мавзуни изчил ёритиб келаётгани алоҳида эътироф этилди. Хусусан, таҳририят мухбири Наргис Ҳасанова танловнинг матбуот йўналиши бўйича II даражали диплом ва эсдалик совға билан тақдирланди.



ИНСОНПАРВАРЛИКНИНГ ЁРҚИН ИФОДАСИ

Мустақиллик йилларида суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ этиш, мустаҳкамлаш ва эркинлаштиришга оид тизимли ишлар амалга оширилди. Қонун устуворлигини таъминлаш, суд ҳокимияти мустақиллигини мустаҳкамлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, ҳуқуқни муҳофаза қилиш тизимининг самарадорлигини ошириш, уни изчил демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг мустаҳкам ҳуқуқий асослари шакллантирилди.

Хусусан, ўтган йилларда Ўзбекистон Республикасининг суд-ҳуқуқ тизимига оид қатор қонунлари қабул қилинди.

Тизимдаги ислоҳотларни янада чуқурлаштиришда Республика Президентининг "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Фармони муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ушбу ҳужжатлар билан суд тизими ходимларининг ижтимоий ҳимояси кучайтирилди, судларнинг моддий-техник ва кадрлар таъминотининг ташкилий-ҳуқуқий асослари такомиллаштирилди, суд ходимлари малакасини ошириш тизими тубдан ислоҳ этилди.

Эндиликда юртимизда суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар босқичма-босқич, тадрижий йўл билан амалга оширилмоқда. Шу йилларда судларда апелляция тартибида иш юритиш жорий этилди. Ушбу даврда қонунчилик амалиётига биринчи марта жиноят ишларини судда кўриш жараёнига ярашганлик муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этиш институти киритилди. Молмулкни мусодара қилиш жазоси эса бекор қилинди. Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилди. Ҳимоячининг ҳуқуқий ҳолати такомиллаштирилиб, адвокатнинг ишда иштирок этиш тартиби енгиллаштирилди. Амнистия актини қўллаш тартиби такомиллаштирилди. Ҳимоячининг ваколат доираси кенгайтирилиб, у далиллар тўплаш ҳуқуқига эга бўлди.

Бундан ташқари, жавобгарликка тортилган шахсларнинг ҳуқуқлари кенгайтирилди. Хусусий айблов тартибида иш юритиш жорий этилди, суд жиноят ишини қўзғатиш ҳуқуқига эга субъектлар доирасидан чиқарилди, суднинг ваколатларига айбланувчини лавозимидан четлаштириш, шахсни тиббий муассасага жойлаштириш ҳақидаги илтимосномаларини кўриб чиқиш киритилди. Айблов хулосасини суд эмас, прокурор томонидан ўқиб эшиттириш белгиланди. Судлар фаолиятига замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этишга киришилди.

Шу ўринда 2016 йил 25 апрелдаги "Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги Қонун ҳам суд-ҳуқуқ тизимини такомиллаштиришда муҳим аҳамият касб этганини таъкидлаш лозим. Ушбу Қонун билан давлат қурилиши ва бошқаруви, ижтимоий-иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларига доир 30 га яқин қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди.

Хулоса қилиб айтганда, мамлакатимизда амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлар аввало, амалдаги қонунларни такомиллаштириш ва уларга инсонпарварлик руҳини сингдириш, қонунчиликни халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган қоида ва тамойилларига мослаштириш, инсон ҳуқуқлари, шаъни ва қадр-қимматини муҳофаза қилиш сингари устувор мақсадларга хизмат қилади.

Жамшид САДИНОВ, Адлия вазирлиги юристлар малакасини ошириш маркази тингловчиси.

Интилиш

БОЙИТИЛГАН УННИНГ НОНИ ШИФОБАХШ

Нон – дастурхон кўрки. Ҳар қандай тансиқ таомни ҳам нон билан истеъмол қилишга одатланганмиз. Олмалиқ шаҳридаги "Фарҳод файз савдо" хусусий корхонаси саккиз йилдан бери темир, рух, фолий кислотаси ва В гуруҳидаги витаминлар билан бойитилган биринчи навли ундан қолипли нон тайёрламоқда. Истеъмолчилар унинг сифатидан мамнун.

Корхона янги иш бошлаган кезлари 6 ишчи меҳнат қилган бўлса, ҳозир улар 15 нафарга етди. 2012 йилда 82 минг АҚШ долларига хориждан замонавий ускуналар келтирилгач, маҳсулотлар сифати ва иш унумдорлиги янада ортди.

– Унни бойитиш нон маҳсулотлари сифати ва таъмига асло таъсир кўрсатмайди, – дейди корхона раҳбари Фарҳод Худойберганов. – Бойитилган ундан тайёрланган нон одамларни камқонликдан асраб, айниқса, болаларнинг соғлом ўсишига ёрдам беради. Нон тайёрланадиган уннинг навига қараб таркибида 56,2 фоизгача углевод, 9 фоизгача оқсил ва 2 фоизгача ёғ моддаси бўлади.



Мансур НАХАЛОВ олган сурат.

Бу йилдан корхонада батон ва багет каби нон маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди.

– Автоматлаштирилган дастгоҳ, қулай иш шароити бизга қўл келмоқда, – дейди ишчи Умид Раҳимов. – Айниқса, аҳолини сифатли ва тўйимли нон билан таъминлаётганимиздан мамнунмиз.

Корхона мутахассислари қолипли нонларни 24 соат, батон ва ёпилган нонни 16 соатгача сақлашни тавсия этишади.

Ўз мухбиримиз.

Қонун кучга кирди

«ЭЛЕКТРОН ҲУКУМАТ» ТАДБИРКОРЛАР ХИЗМАТИДА

"Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 5 боб, 34 та моддадан иборат бўлиб, электрон ҳукумат тизимининг асосий мақсад ва вазифалари давлат органлари фаолиятининг самарадорлигини, тезкорлигини ва очиқ-ошкорлигини таъминлаш, уларнинг масъулияти ва ижро интизомини кучайтиришга қаратилган. Шу билан бирга, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ахборот алмашишнинг қўшимча тамойилларини яратиш, аҳоли ва тадбиркорлик субъектлари билан ўзаро муносабатларда электрон ҳужжат айланиши, давлат органларининг ҳамкорлиги ва уларнинг маълумот базалари ўртасида ахборот алмашинуви тамойилларини шакллантириш ҳисобига давлат бошқаруви тизимида "бир дарча" принципини жорий этишга йўналтирилгани билан аҳамиятли.

Қонуннинг яна бир аҳамиятли жиҳати, электрон давлат хизматлари "бир дарча" қоидаси асосида, яъни электрон давлат хизматлари кўрсатувчи давлат органи бундай хизмат кўрсатиш учун бошқа давлат ташкилотларида мавжуд бўлган ҳужжат ва маълумотларни мустақил, ариза берувчининг иштирокисиз идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш воситасида олишига имкон яратади. Идоралараро электрон ҳамкорлик қилиш тизими электрон давлат хизматлари кўрсатиш чоғида давлат органларининг хизмат ва вазифаларини амалга ошириш мақсадида уларнинг ўзаро ҳамкорлигини таъминлайди. Бу тизим ахборотни тўплаш, сақлаш, ишлов бериш, узатиш ва алмашишга доир талаблар асосида ишлайди.

Шу йилнинг 10 июнидан кучга кирган "Электрон ҳукумат тўғрисида"ги Қонун давлат органлари фаолияти самарадорлиги ошиши, юридик ва жисмоний шахсларга электрон давлат хизматлари тақдим этишни яхшилаш, фуқароларнинг масофадан туриб давлат хизматларидан фойдаланишини таъминлаш, шунингдек, уларнинг бу борадаги ҳуқуқларини муҳофазалашга хизмат қилади.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиш давлат органлари фаолиятининг янада очиқ бўлишига имкон беради. Муҳим бошқарув жараёнларида фуқаролар ва фуқаролик жамияти институтларининг фаол иштироки таъминланган. Шунингдек, экспозициядан жой олган "Чорвоқ", "Чимёнда баҳор", "Кузги сокинлик", "Қорли кун", "Оқшом олдидан", "Кечки манзара", "Ёмғирдан сўнг" каби 20 га яқин асарларда Тошкент вилоятининг бетакрор гўзал табиати манзаралари ёрқин рангларда маҳорат билан тасвирланганки, у беихтиёр санъат мухлисларининг руҳини кўтаради, мулоҳазага чорлайди.

Рассом 1993 йилдан буён Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида ёшларга дарс бериб келмоқда. Бугунги кунда рангтасвир кафедрасининг профессори. Манзара жанри унинг ижодида асосий ўринни эгаллайди.

Рассом кўплаб халқаро ва республика миқёсидаги кўргазмаларда қатнашиб келмоқда. Унинг асарлари Ўзбекистон музейлари ва санъат галереясида ҳамда 20 дан ортиқ чет эл мамлакатларининг галерея ва хусусий коллекцияларида сақланмоқда.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

Муҳтасар қилиб айтганда, ушбу Қонун мамлакатимизда давлат органлари фаолиятининг самарадорлиги, очиқ ва ошкоралигини янада ошириш, фуқаролик жамияти шаклланишида давлат идоралари ва фуқаролар ўртасида ишончли муносабатларни ривожлантиришга хизмат қилади.

Жамшид ПИРМАТОВ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати.

Диққат, танлов!

«ЭНГ УЛУҒ, ЭНГ АЗИЗ»

Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Журналистлар ижодий уюшмаси, "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси, Ёзувчилар уюшмаси, Миллий телерадиокомпания, "Ўзбеккино" миллий агентлиги, Бадиий академия ҳамда Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллигига бағишланган **"Энг улуғ, энг азиз"** анъанавий танловини эълон қилади.

Танловга **"Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!"** деган бош ғояни ўзида мужассам этган ижодий асарлар қабул қилинади.

"Энг улуғ, энг азиз" танлови қуйидаги номинациялар бўйича ўтказилади:

– ёзувчи ва шоирларнинг бадиий асарлари;
– босма ОАВ ходимларининг журналистик ишлари;
– телевидение ва радио ижодкорларининг материаллари;
– тасвирий санъат, фото асарлари ва дизайн ишлари;
– кино санъати асарлари.

Танловга тақдим этилган ижодий ишларга қуйидаги ҳужжатлар илова қилиниши лозим:
– муаллиф ва унинг профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот;
– муаллифнинг паспорти нусхаси;
– иш жойидан тавсиянома;
– муаллифнинг манзили ва боғланиш телефонлари.

Танловга 2015 йилнинг 1 августидан 2016 йилнинг 1 августигача бўлган даврда чоп этилган бадиий асарлар, газета-журналлар ва интернет нашрларида эълон қилинган мақолалар, радио ва телевидение каналларида эфирга узатилган материаллар, намойиш этилган тасвирий санъат ва кино санъати асарлари жорий йилнинг 1 августигача қабул қилинади.

Танлов ғолиблари Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрами арафасида мукофотланадилар ва уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади.

Ижодий ишлар **"Энг улуғ, энг азиз" танловига** деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси, Ўзбекистон "Тасвирий ойина" ижодий уюшмаси.
Телефонлар: 244-12-61; 244-64-61; 244-11-64.

ҚИСҚА ВА ЛЎНДА

Республика Маънавият тарғибот маркази "Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!" мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказди. Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги, маънавият тарғибот бўлими ҳамкорлигида уюштирилган давра суҳбатида Маънавият тарғибот маркази ходимлари, олим ва ёзувчи, шоирлар, санъаткорлар ҳамда тумандаги "Гулистон" маҳалласи фуқаролари иштирок этди.

ЎЗБЕКИСТОН Хотин-қизлар қўмитаси "Бахтим шул, ўзбекнинг Зулфиясиман!" мавзуида маънавий-маърифий тадбир ўтказди. Унда ушбу юксак мукофот соҳибалари ўзларининг энг улуғ, энг азиз байрам – мустақиллигимизнинг 25 йиллигини муносиб кутиб олиш бўйича амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлардаги фаол иштироклари ҳақида сўзладилар.

Ҳордиқ

СЎҚОҚНИНГ ТОНГЛАРИ БОШҚАЧА

Бебаҳо бойлик ҳисобланмиш саломатликни асраб-авайлаш, аввало, ҳар кимнинг ўзига боғлиқ. Киши соғ бўлса, оиласида хотиржамлик, ишида унум, барака бўлади.

Паркентнинг сўлим гўшасидаги "Сўқоқ" дам олиш уйига одамлар соғлиқларини тиклаш учун келишади. Шу сабаб ёзнинг жазирама шу кунларида мазкур маскан янада гавжумлашган.



120 ўринга мўлжалланган масканнинг соя-салқин, сўлим табиати, шифобахш ва мусаффо ҳавоси дам олувчиларнинг жонига ҳузур, дилига ором бахш этмоқда. Айниқса, шошқин сой ва шаршаралар, 7 минг туп арча, 100 туп қайин, яна шунча чинор, 500 дан зиёд мевали дарахтлардан иборат 3 гектарли боғ уларга хуш кайфият улашиб, мароқли ҳордиқ чиқаришини таъминлаяпти.

Денгиз сатҳидан 1200 метр баландликдаги дам олиш уйи нафақат вилоятимиз, балки республикамизда ҳам анча машҳур. Қолаверса, бу ердан қўшни мамлакатлик дам олувчиларнинг қадами узилмайди.

– Беш йилдан бери шу ерда дам олишни одат қилганман, – дейди сирдарёлик онахон Жамила Аҳмедова. – Ҳар сафар руҳимда кўтаринкилик, танамда қувват билан уйга қайтаман. Яратилган шароитлар кўнглимдагидек. Уч маҳал иссиқ таомнинг таъмига гап йўқ. Нархлари ҳам қиммат эмас. Ходимлар эса худди яқинимдек бўлиб кетишган.

Дам олиш уйида эрта тонгда, қуёш эндигина бош кўтараётганда атрофни кузатишнинг ўзи бир бошқача. Киши ўзини руҳан тетик сезади.

Сиҳатгоҳ жамоаси хизмат кўрсатишнинг замонавий усулларини таклиф этмоқда. Муолажа ва уқалаш хоналари керакли ускуналар билан жиҳозланган. Дам олувчилар қулай ва шинам ётоқхоналарда яшайдилар. Кутубхона, спорт ва рақс майдончаси мунтазам ишлаб турибди.

– Кумушкон ота, Заркент бува, Сўқоқ чашмаси ҳамда тоғ ёнбағирларига уюштирилаётган саёҳатлар ҳордиқ чиқарувчиларга ўзгача завқ бағишлаб, унутилмас таассуротлар қолдираяпти, – дейди сиҳатгоҳ раҳбари Содиқ Одилхонов. – Айниқса, кўм-кўк арчалар, турли мевали дарахтлар, анвойи гуллар йил давомида бу ерга келувчилар саломатлигини тиклашга хизмат қилади.

Муқаддас ИСРОИЛОВА, "Тошкент ҳақиқати" мухбири.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Кўргазма

Ўзбекистон Бадиий академиясининг Марказий кўргазмалар залида рангтасвирчи, Ўзбекистон халқ рассоми Рустам Худойберганов-нинг "Рангин юртим" деб номланган шахсий кўргазмаси очилди.

ЧИМЁНДА... БАҲОР

Вернисажда намойиш этилаётган асарларда юртимизнинг гўзал табиати манзаралари, йил фаслларининг ўзига хос хислатлари, тарихий намояндалар ва замондошларнинг портретлари, қадимий шаҳарларимизнинг меъморий ёдгорликлари, хотин-қизлар сиймолари акс этган. Шунингдек, экспозициядан жой олган "Чорвоқ", "Чимёнда баҳор", "Кузги сокинлик", "Қорли кун", "Оқшом олдидан", "Кечки манзара", "Ёмғирдан сўнг" каби 20 га яқин асарларда Тошкент вилоятининг бетакрор гўзал табиати манзаралари ёрқин рангларда маҳорат билан тасвирланганки, у беихтиёр санъат мухлисларининг руҳини кўтаради, мулоҳазага чорлайди.

Рассом 1993 йилдан буён Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институтида ёшларга дарс бериб келмоқда. Бугунги кунда рангтасвир кафедрасининг профессори. Манзара жанри унинг ижодида асосий ўринни эгаллайди.

Рассом кўплаб халқаро ва республика миқёсидаги кўргазмаларда қатнашиб келмоқда. Унинг асарлари Ўзбекистон музейлари ва санъат галереясида ҳамда 20 дан ортиқ чет эл мамлакатларининг галерея ва хусусий коллекцияларида сақланмоқда.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.

Бошланиши 1-бетда.

Реклама ва эълонлар

"REAL AUKSION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига:

I. Тошкент вилояти, Қибрай тумани СИБ томонидан 2-192/2008-сонли ижро ҳужжатига асосан хатланган, "Интер роҳат" Қ.К. омборида сақланаётган, бошланғич баҳоси - 63 855 874,4 сўм, 80 400 донадан иборат, 18 W бўлган, TL-D русумли ва 2 300 донадан иборат, 36 W бўлган, TL-D русумли - дневной лампалар савдога тақроран қўйилмоқда.

II. Тошкент вилояти, Зангиота тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 24.12.2014 йилдаги 1-954/15-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Зангиота тумани СИБ манзилида сақланаётган, бошланғич баҳоси - 30 165 000 сўм, и/ч., 2009 дав/рақ. 01L874BA бўлган, "Дамас" русумли автотранспорт воситаси тақроран савдога қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2016 йил 7 июль куни соат 11.00 да ўтказилади.

III. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани суд ижрочилари бўлими томонидан 02.11.2015 йилдаги 1-614-15-сонли ижро варақасига асосан, Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Самарқанд кўчаси, 43-уй манзилида сақланаётган: 1. Бошланғич баҳоси - 31 475 000 сўм, и/ч., 2007 дав/рақ. 10/517WAA бўлган, "Мидибус SAZ 37 NP" русумли техник носоз; 2. Бошланғич баҳоси - 32 622 000 сўм, и/ч., 2006 дав/рақ. 10/805ABA бўлган, "Мидибус SAZ 37 NP" русумли техник носоз; 3. Бошланғич баҳоси - 32 622 000 сўм, и/ч., 2007 дав/рақ. 10/516WAA бўлган, "Мидибус SAZ 37 NP" русумли техник носоз; 4. Бошланғич баҳоси - 35 035 000 сўм, и/ч., 2006 дав/рақ. 10/803ABA бўлган, "Мидибус SAZ 37 NP" русумли техник носоз; 5. Бошланғич баҳоси - 33 453 000 сўм, и/ч., 2007 дав/рақ. 10/827ABA бўлган, "Мидибус SAZ 37 NP" русумли техник носоз; 6. Бошланғич баҳоси - 33 453 000 сўм, и/ч., 2007 дав/рақ. 10P294MA бўлган, "Мидибус SAZ 37 NP" русумли техник носоз; 7. Бошланғич баҳоси - 47 466 000 сўм, и/ч., 2007 дав/рақ. 10/829ABA бўлган, "Мидибус SAZ 37 NP" русумли техник носоз; 8. Бошланғич баҳоси - 47 466 000 сўм, и/ч., 2007 дав/рақ. 10/821ABA бўлган, "Мидибус SAZ 37 NP" русумли техник носоз автотранспорт воситалари савдога қўйилмоқда.

Аукцион савдоси 2016 йил 25 июль куни соат 11.00 да ўтказилади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин (аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 7 июль куни ўтказиладиган савдоларга 2016 йил 5 июль соат 16.00 гача; 2016 йил 25 июль куни ўтказиладиган савдоларга 2016 йил 22 июль соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "REAL AUKSION" МЧЖнинг ОАИТБ "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104996600001, МФО 01101, ИНН 302370235. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13.

Гувоҳнома № 006795.

"NEW ESTATE ACTION" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориши тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдоларига:

I. Тошкент вилояти, Янгийўл тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан:

1. 2011 йил 12 сентябрь кунидаги 111848-сонли ижро варақасига асосан: Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Самарқанд кўчаси, "Буюм бозори" ҳудудида жойлашган, умумий майдони 24,0 кв.м. бўлган, "савдо дўкони" биноси аукцион савдоларига қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси - 35 203 000 сўм.

2. 2016 йил 15 апрель кунидаги 11-1606/2913-сонли ижро варақасига асосан: Тошкент вилояти, Янгийўл тумани, Эски Қовунчи ҚФЙ, Янгийўл 3-бўлими манзилида жойлашган, участканинг умумий майдони 0,45 Га бўлган, "чорвачилик биноси" аукцион савдоларига қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси - 156 250 000 сўм.

II. Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан:

2014 йил 17 июль кунидаги 3549-сонли ва 2015 йил 23 март кунидаги 1-2250-сонли ижро варақаларига асосан: Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, Туябўғиз қўрғони, Лермонтов кўчаси, 2-уй манзилида жойлашган, участканинг умумий майдони 752,0 кв.м., қурилиш ости майдони 203,71 кв.м., умумий фойдаланиш майдони 87,87 кв.м., яшаш майдони 58,80 кв.м. бўлган "тураржой" биноси аукцион савдоларига қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси - 90 330 000 сўм.

III. Тошкент вилояти, Паркент тумани Суд ижрочилари бўлими томонидан:

2015 йил 11 сентябрь кунидаги 1-715/15-сонли ижро варақасига асосан: Тошкент вилояти, Паркент тумани, Паркент шаҳри, Самарабой ҚФЙ, Бодомзор кўчаси манзилида жойлашган, ер майдони 0,08 Га, қурилиш ости майдони 444,60 кв.м. бўлган "биноиншоот" аукцион савдоларига қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси - 190 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2016 йил 27 июль куни соат 12.00 дан бошлаб ўтказилади.

Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш (соат 10.00 дан соат 16.00 гача) аукцион бошланишидан бир кун олдин (аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2016 йил 27 июль куни ўтказиладиган савдосига 2016 йил 25 июль соат 16.00 гача) тўхтатилади. Савдога қўйилган мулклар билан талабгорлар тегишли суд ижрочилари бўлимининг вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Аукцион савдосида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "NEW ESTATE ACTION" МЧЖнинг "Ипак йўли" Миробод филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104995394001, МФО 01101, ИНН 302373151. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, М. Таробий кўчаси, 31-уй. Тел.: 254-69-13. www.nea.uz.

Лицензия RR-0148.

❑ Фахр

ШАРАФЛИ КАСБ МУБОРАК

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида битирувчиларга диплом топшириш ва ҳарбий унвон беришга бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Мазкур тадбирда Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, вазирлик ҳузуридаги Жамоатчилик кенгаши, давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, битирувчилар ва уларнинг оила аъзолари иштирок этди.

Чирчиқ олий танк қўмондонлик-муҳандислик билим юртида чуқур билим ва кенг тафаккурга, юксак профессионал ва маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, замонавий жанговар ҳаракатлар шароитида ўз олдига қўйилган вазифаларни муваффақиятли адо этишга қодир ҳарбий кадрлар тайёрланмоқда. Бунинг учун бўлғуси офицерларни ўқитиш ва тарбиялаш мутлақо янги ўқув-техник ва маънавий-ахлоқий асосда йўлга қўйилган.

– Энг катта орзуларимдан бири ушалди, офицер бўлдим, – дейди олтиариқлик Умиджон Холижонов. – Бугун Ватан ҳимоячиси, юрт посбони, умуман, ўзбек аскарининг мақоми юксак. Тенгдошларим Ўзбекистон посбони бўлишдан, муқаддас заминимизни, нурли истиқбол сари интилаётган юртни ҳимоялашдек, тинчлик-осойишталигини таъминлашдек масъулиятдан фахрланадилар.

Маҳлиё ИСРОИЛОВА.

❑ Чоршанба ҳикмати

«ДАДАМ БЎЛИБ БЕРИНГ, ДАДАЖОН...»

Хуллас, бола-бақрамни уйга, қишлоққа кузатдим. Бир айланиб келишсин. Шу орада чала қолган диссертациямни тугатиб оларман. Кейинги пайтда ижара эса-да, қадрдон бўлиб қолган уйнинг тангу тор хонасига сиғмай қолгандик. Ўғлимку, сал эс битиб, айтганга кўнадиган бўлди, аммо кичкинам жуда инжиқ. Ҳали айлантириб келинг, деб хархаша қилади, бир қарасам мен муқаддас билган китобларни қиқирлаб кулганча, бўяб-бежаш билан банд.

Улар жўнаб кетишгач, бир-икки кун яйраб, бемалол ишладим. Китобларимга тартиб бердим. Иттифоқо, анчадан буён излаб юрганим – бир ёзувчи оғамизнинг қўлёзмасини жавон тагидан топиб олдим. Ўғлимнинг енгсиз, сарғимтир кўйлакчаси уни тўсиб турган экан. Ўтган куни қўлёзма йўқолганидан хунобим ошиб, болаларимни, хотинимни жеркиб ташлагандим. Хайрият, топилди. Бироқ, энди менинг кўксимда нимадир йўқолаёзган эди...

Боламнинг кўйлагини олиб, беихтиёр ҳидладим. Эндигина етти ёшга тўлган, кўзлари ёниб турган полапоним эсимга тушди. Кечқурун секингина пинжимга суқиладиган, ўқиётган китобимга ажабланиб қараганча, ухлаб қоладиган боламни ўйладим. Кейин кўнглим хижил бўлиб, оилавий альбомни варақладим. Расмлар орасидан қачонлардир, қайси биримиздир ҳавас учун олган бир сурат эътиборимни тортди. Унда ўғлим билан қизалоғим кулимсираб турар, орқада, о-орқа фонда эса мен компьютерга термилган кўйи ўтирарганман, аммо якунда боламга устозимнинг отларини қўйишга жазм қилганман. Бироқ, уни кейинчалик Саид деб чақира олмасдим. Бу устозимнинг исмига нисбатан ҳурматсизликдай туюлди мен учун. Хуллас, дилбандимнинг жончасини оғритган ўша болага барибир бир хўмрайиб, олабўжи бўлган кўйи қўрқитганим бор...

Тез орада ўғлим: "Гули опа, Гули опа", деб чулдирайдиган одат чиқарди. Кейинроқ эсимда. Ҳа-а, вақт жуда тез ўтади...

Қизимнинг чучукланиб: "Дада ҳойманг, ишга бойманг..." деганини ўшанда ўйлаб ҳам кўрмаган эканман. Оҳ, ота-я, қандай тошбағирсан-а! Ҳар куни ишга отланаётганимда, бошчасини тепага – менга қаратиб, ўзи хоҳламасада, лекин кузатиб қўядиган қизалоғимни шу дам бағримга босгим келди.

"Дада ҳойманг, ишга бойманг!"

... Шу дам, ҳеч бўлмаса, қўнғироқ қилиб, улардан ҳолаҳвол сўраб қўяй, деган ўйда қўл телефонимни титкилаётиб, бир лавҳа топиб олдим. Хотиним уйдаги муҳитни тасвирга олган экан. Кенг, ёруғ хона. Ўртада қизим билан ўғлим қўлларини орқасига тираганча, салгина олдинга энгашиб, "чип-чип жўжаларим" дея куйлай-куйлай гир айланмоқда. Шўхшодон кулгулари эшитилади. Сал нарироқда, орқароқда, шундоқ дераза ёнида эса бир одам тумшайиб китоб ўқиб ўтирибди. "Оила" деб аталмиш сирли-синоатли китобнинг энг гўзал саҳифалари бир ёнда қолиб, қандайдир китобни варақлаб ўтирган ҳалиги одамнинг тунд қиёфасига бир қаранг...

У балки сиздирсиз, балки бошқа биров. Келинг, шу одам ўзим бўлақолай. Ҳар ҳолда бегона эмас-ку. Ушбуни ўқиб кимдир яна "мени илибсан" деб кўнглига олиб юрмасин. Лекин очиғини айтай — ҳаммамиздаям шу қусур бор.

Альбомни ёпдим. Кўнглим безовта бўла бошлади. Оилавий архивимни хатжилдларга солиб, сақлайдиган одатим бор. Дарров улардан бирини, устига "Болалар" дея ёзилганини олдим. Бунда турли саналар, воқеликлар ва уларнинг шарҳи, ҳужжатлар сақланишини билсам-да, қайта кўздан кечиргим келди. Мана, "Исм танлаш" дея аталган шарҳ. Буни ўз қўлларим билан 2009 йил, 8 март куни ёзганман. Ўшанда тўнғичим туғилган, ўғилли бўлгандим. Жуда кўп исмлар топдим. Болаларим яйраб фотоаппаратга қараб турибди, мен эса компьютер мониторига. Қаранг-а! Қандай тотли лаҳзалар... Кўнглим тўлқинланиб, ҳар бирининг пешонасидан чўлпиллатиб ўпиб олгим келди. Бундай ширин лаҳзаларни вақтида қадрига етмаган эканман. Эсиз...

Мана бу конвертда эса Саидбобо туғилганда сарф бўлган пуллар ва олинган дори-дармонлар сарҳисоби бор. Дўхтирлар ёзиб берган рецептни ҳам сақлаб қўйганман. Ўттиз-қирқ чоғли бу узуқ-юлуқ, майда қоғозларга беҳафсала термулар эканман, бир пайтлар мана шу ёзувлар "амри"ни бажараман дея не кўйларга тушганимни, дўстёронлардан қарз кўтарганимни эслайман. Операция йўли билан туғилган ўғлимни – бир парча этни юрагим ҳапгина ошган, авжи ёз, 20 июнь санаси эди. Аббос исмли каттароқ бола кўчада ғилдиракчасини олиб қўйибди, у эса секин ёнимга келиб, шикоят қилганди. Ғалати аҳволда қолдим: бир томони, ўғлим одам қаторига кириб, яхшими-ёмонми биров билан муносабат қилишга қодир бўлганидан севинсам, иккинчи томондан, ҳалитдан ўз ҳақини айириб ололмаётган ўғлимдан ранжидим. Аслида Аббос ҳам ундан бешолти ойликкина катта, холос: муштумзўрлик қиладиган ёшда эмас. Бироқ, дилбандимнинг жончасини оғритган ўша болага барибир бир хўмрайиб, олабўжи бўлган кўйи қўрқитганим бор...

"Аббос уйди" – бу оиламиз тарихига доир яна бир шарҳнинг номланиши. Ўшанда ўғлим бир ёшдан салгина ошган, авжи ёз, 20 июнь санаси эди. Аббос исмли каттароқ бола кўчада ғилдиракчасини олиб қўйибди, у эса секин ёнимга келиб, шикоят қилганди. Ғалати аҳволда қолдим: бир томони, ўғлим одам қаторига кириб, яхшими-ёмонми биров билан муносабат қилишга қодир бўлганидан севинсам, иккинчи томондан, ҳалитдан ўз ҳақини айириб ололмаётган ўғлимдан ранжидим. Аслида Аббос ҳам ундан бешолти ойликкина катта, холос: муштумзўрлик қиладиган ёшда эмас. Бироқ, дилбандимнинг жончасини оғритган ўша болага барибир бир хўмрайиб, олабўжи бўлган кўйи қўрқитганим бор...

Тез орада ўғлим: "Гули опа, Гули опа", деб чулдирайдиган одат чиқарди. Кейинроқ эсимда. Ҳа-а, вақт жуда тез ўтади...

Қизимнинг чучукланиб: "Дада ҳойманг, ишга бойманг..." деганини ўшанда ўйлаб ҳам кўрмаган эканман. Оҳ, ота-я, қандай тошбағирсан-а! Ҳар куни ишга отланаётганимда, бошчасини тепага – менга қаратиб, ўзи хоҳламасада, лекин кузатиб қўядиган қизалоғимни шу дам бағримга босгим келди.

"Дада ҳойманг, ишга бойманг!"

... Шу дам, ҳеч бўлмаса, қўнғироқ қилиб, улардан ҳолаҳвол сўраб қўяй, деган ўйда қўл телефонимни титкилаётиб, бир лавҳа топиб олдим. Хотиним уйдаги муҳитни тасвирга олган экан. Кенг, ёруғ хона. Ўртада қизим билан ўғлим қўлларини орқасига тираганча, салгина олдинга энгашиб, "чип-чип жўжаларим" дея куйлай-куйлай гир айланмоқда. Шўхшодон кулгулари эшитилади. Сал нарироқда, орқароқда, шундоқ дераза ёнида эса бир одам тумшайиб китоб ўқиб ўтирибди. "Оила" деб аталмиш сирли-синоатли китобнинг энг гўзал саҳифалари бир ёнда қолиб, қандайдир китобни варақлаб ўтирган ҳалиги одамнинг тунд қиёфасига бир қаранг...

Ким у? Сизми, бошқа бировми? Балки, мендирман. Нима бўлганда ҳам бизмиз, ўзимиз! Бирров болаларимизнинг кўзига қарайлик, қалбига қулоқ тутайлик, ота бўлиб!

Беҳзод ҚОБУЛОВ.

Моҳият

Бир кун Диогендан:

– Оламда энг мушкул иш нима? – деб сўрашибди.

– Ўзлигингни билиш ва сирингни сақлай олишдан мушкулроқ иш йўқ, – деб жавоб берибди у.

* * *

Бир содда нинасини уйда йўқотиб, уни кўчадан қидириб юрган экан.

– Нимани қидириб юрибсан? – деб сўрашса, у:

– Уйда йўқотган нинамни, – деб жавоб берибди.

– Эй содда, уйда йўқотган нинангни кўчадан қидирасанми? – дейишса:

– Уйим қоронғи бўлса нима қилай, – деган экан.

* * *

Буюк файласуф Бузургмеҳрдан сўрашибди:

– Одамлар назарга илмайдиган бебаҳо фазилат нима?

– Камтарлик, – деб жавоб берибди у.

Н. ТОҲИРОВ тайёрлади.

❑ Қонун ҳимоясида

ОЛТИНЧИ САБОҚ

Халқимизда "Кўр ҳассасини бир марта йўқотади", деган гап бор. Лекин, Ўрта чирчиқлик Суҳроб Салимов (исм-фамилияси ўзгартирилган) "ҳасса"сини бир неча бор "йўқотиб" ҳам ақли кирмаганлар тоифасидан.

Гап шундаки, аввалги жиноятлари учун суд унга нисбатан мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳамда тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосини тайинлаган эди. Шунга қарамай, у 2014 йилнинг 23 майидан "Қудратбек қурилиш" МЧЖ раҳбари бўлиб ишлай бошлади. Натижада, эндигина 35 ёшни қаршилаган С. Салимовнинг умр дафтарини суднинг яна қатор ҳукм ва қарорлари "безади".

Умуман, С. Салимов муқаддам беш марта тадбиркорлик ва мансабдорликка оид қилмишлари учун судланиб, озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазоларга ҳукм қилинган бўлсада, тавбасига таянмади. У яна бир бор қасддан жиноят кўчасига кирди. Бу хатти-ҳаракатлари уч фарзанди тарбиясига салбий таъсир кўрсатаётганини ўйлаб ҳам кўрмади.

У Ўрта Чирчиқ тумани ободонлаштириш бошқармаси бошлиғи, бошқарма бош муҳандиси, омбор мудири, бош ҳисобчиси билан жиноий тил бириктириб, "енг шимарди". Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 3 декабрдаги "Республика аҳоли пунктларида санитария жиҳатдан тозалаш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан бошқарма билан тузилган битимга кўра, 39 миллион 15 минг сўмлик 51 минг дона шлакоблок етказиб бериши зарур эди. 21 июль куни маҳсулот етказиб берилди, дея юк хати сохталаштирилиб, 39 миллион 15 минг сўмлик бюджет маблағлари талон-торож қилинди.

Бели оғримай пул топиш "операция"си бу сафар С. Салимовга қимматга тушди. У эс-ҳушини йиққанда, аллақачон "ғишт қолипдан кўчганди". Суд С. Салимов ва унинг шерикларидан солидар тартибда ўзлаштириб юборилган маблағни Ўрта Чирчиқ тумани ободонлаштириш бошқармаси ҳисобига ундириш ҳақида ҳукм чиқарди.

Умр инсонга бир марта берилади. Доноларнинг таъбири билан айтганда, у бир киприк қоққунча ўтиб кетади. Шу давр ичида инсон ўзидан эзгу амаллар, яхшиликлар, эл-юрти учун сидқидилдан қилган хизматлари ва муносиб тарбиялаган фарзандлар қолдириши керак. Умид қиламизки, бу С. Салимов учун олтинчи, айни пайтда, сўнгги сабоқ бўлади. Акс ҳолда...

Шуҳрат ТАШНАЗАРОВ, вилоят прокурори катта ёрдамчиси.

ФУТБОЛ

Футбол бўйича Европа чемпионатининг гуруҳ босқичи ҳам якунига етиб қолди. Гуруҳларда 3-тур баҳсларининг бир вақтда бўлиб ўтишини инобатга олсак, тез орада нимчорак финал йўлланмасини қўлга киритган жамоаларнинг тўлиқ рўйхатини билиб оламиз.

Демак, "А" гуруҳида Франция ва Швейцария терма жамоалари кейинги босқич йўлланмасини қўлга киритган бўлсалар, "В" гуруҳида вазият бир оз бошқача. Яъни, мусобақа дебютанти Уэлс термаси 1-ўринни, Англия эса 2-ўринни эгаллаб, кейинги босқичга йўл олишди. Аммо, гуруҳнинг яна бир вакили Словакия термаси ҳам 3-ўринни эгаллаган энг яхши жамоа сифатида нимчорак финалга чиқиши мумкин. Россия термаси эса Уэлс термасига 3:0 ҳисобидаги мағлубиятидан сўнг тунирдаги иштирокини якунлади.

"F" гуруҳидаги ҳолат ҳам кўпчиликни ҳайрон қолдирган бўлса ажаб эмас. Зеро, нафақат гуруҳ, балки, мусобақа фаворитларидан бири сифатида эътироф этилган Португалия термаси 2 ўйиндан кейин 2 очко тўплаб, гуруҳда 3-ўринда бормоқда. Аммо, нимчорак финалга чиқиш имконияти сақланиб қолганини инобатга олсак, сўнгги турда Криштиану Роналду жамоадошлари ўзларининг энг кучли ўйинларини намойиш этишлари турган гап.



Гуруҳ баҳслари якунлангани сари мусобақа ҳам қизғин паллага кириб бормоқда. Буёғига фақат ва фақат футбол шоуларига гувоҳ бўламиз. Кузатишдан тўхтаманг.

Европада бўлиб ўтаётган йирик футбол мусобақаси билан бир қаторда АҚШда футбол бўйича Америка кубоги баҳслари ҳам давом этмоқда.

Турнирни ниҳоятда ишончли бошлаган Мексика термаси мусобақанинг чорак финал босқичида Чилига қарши баҳс олиб борди. Мутахассислар томонидан тенг курашлар остида ўтиши тахмин қилинган учрашув тўлиқлигича чилиликлар устунлигида кечди. Ўзининг энг яхши ўйинини намойиш қилган Чили 7:0 ҳисобида ғалаба қозониб, ярим финал йўлланмасини қўлга киритди. Турнир фаворитларидан бири Аргентина эса Венесуэлани 4:1 ҳисобида мағлуб этиб, кейинги босқичга йўл олди.

Ярим финалда Чили Колумбияга қарши, Аргентина эса мусобақа мезбони АҚШ терма жамоаси билан баҳс олиб боришади.

Ф. ТОЛИПОВ.

Хориждан хабарлар

ЁЗДА... ҚОР ЁҒДИ

Қозоғистоннинг Олмаота вилоятида табиатнинг навбатдаги ноёб ҳодисаси кузатилди.

Ой қарағай дараси аҳолиси кутилмаган ҳаво айниши ва дўл аралаш қор ёғиши манзарасига гувоҳ бўлди.

Ҳодиса кузатувчиларининг айримлари ғайритабиий воқеа тасвири туширилган сурат ва видеолавҳаларни ижтимоий тармоқларга жойлаштиришга ҳам улгуришган. Мазкур тасвирларда айрим жойлар оппоқ қорга бурканганини кўриш мумкин.

ҚИММАТГА ТУШГАН БЕПАРВОЛИК

Карелия кўлида юз берган фожиа кўпчиликни оғир қайғуга солди, дея хабар бермоқда ТАСС ахборот манбаси.

Маълумки, ўтган ҳафта якунида мазкур кўл яқинидаги "Парк-отель Сямозеро" оромгоҳида дам олаётган 47 боладан иборат гуруҳ 4 инструктор ҳамроҳлигида кўл сайрига чиққан ва тўфон кўтарилиши натижасида қайиқлар ағдарилиб, 13 нафар бола нобуд бўлганди.

Қурбон бўлганларнинг ёши 12-15 атрофида экани, улар мазкур соғломлаштириш оромгоҳига Санкт-Петербург ва Москва шаҳарларидан ёзги таътилни ўтказиш учун келишгани айтилмоқда.

Фожиа муносабати билан махсус тергов гуруҳи иш бошлаган. Дастлабки хулосалар жуда аянчли. Уларда инструкторлар болаларни қутқариш учун етарли чораларни кўрмагани тахмин қилинаяпти.

ЧОЙНИ ХЎПЛАБ ИЧГАН БИЛАН...

Чой ва қаҳвани иссиқ ҳолида ичиш соғлиқ учун жиддий зарар, дея огоҳлантирмоқда Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти қошидаги Саратонни тадқиқ этиш бўйича халқаро агентлик.

Хусусан, олимлар томонидан ўтказилган тадқиқотлардан маълум бўлишича, ҳаддан зиёд иссиқ ичимликларни истеъмол қилиш қизилўнгач саратонига олиб келиши мумкин экан. "Бу ерда гап ичимликлар устида эмас, балки уларнинг ўта иссиқлиги ҳақида бормоқда", дейди агентлик директори Кристофер Уайльд.

Унинг сўзларига кўра, Цельсий бўйича 65 даражадан юқори бўлган ичимликлар соғлик учун хавфли ҳисобланади. Ваҳоланки, жуда кўп инсонлар кундалик тарзда, асосан, хўплаб истеъмол қиладиган қаҳва ва чой ҳарорати 70 даражадан кам бўлмайди.

КИМЁВИЙ РЕАКЦИЯ МОТОРНИ ЮРГИЗАДИ

Германиянинг "Мерседес-Бенц" компанияси тақдим этган навбатдаги "GLC" моделидаги автоулов намунаси бутун дунё автоишқибозларини ҳайратга солмоқда.

Бунга сабаб, мазкур инновацион автомобилнинг водород ёрдамида ҳаракатланишидир.

У ихчам двигатель, ҳар бири тўрт килограммлик иккита бак, 9 киловатт-соатлик литий-ионли батареялар мажмуи билан жиҳозланган. Ажабланарлиси, автомашина мотори водород ва кислороднинг кимёвий реакциясидан қувват олиб ишлайди. Зарур ҳолларда уни электр ёрдамида ҳам ҳаракатлантириш мумкин.

Интернет хабарлари асосида тайёрланди.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Ғайрат ШЕРАЛИЕВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Электрон почта: thaqiqat@umail.uz

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 233-55-39, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-38-23, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 233-81-21, 233-65-59.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Сайёра РИХСИЕВА
Навбатчи Юлдузхон МУҲИДДИНОВА
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма S-6288. Адади 11897. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

"ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 23.35.